

Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратларининг Рамазон ойи қутлови Миср матбуоти нигоҳида



11:33 / 16.03.2024 2164

Халқаро муслмон уламолари кенгаши ва Муслмон донишмандлар кенгаши каби нуфузли ташкилотларнинг доимий аъзоси сифатида Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратларининг муслмон дунёсига йўллаган Рамазон ойи қутлови Миср Араб Республикасининг бир қанча нуфузли нашрларида эълон қилинди. Жумладан, aldiplomasy.com, elmwatin.com ва alkhabaralyoum.com каби газета ва сайтларда “Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназарнинг муборак Рамазон ойи муносабати билан Ислом умматига йўллаган табриги” номли сарлавҳа билан нашр этилди.

Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратларининг “Ислом уммати учун эзгулик ва барокат оyi, раҳм-шафқат ва илоҳий неъматларга тўла муборак Рамазон оyi кириб келди. Бу ой тақводор бўлиш, гўзал ахлоқ ва одобли бўлиш имкониятидир. Рамазон оyi раҳмат ва мағфират оyi, одамлар ўртасида эзгулик, бағрикенглик ва саховат оyидир”, - деган жумлалар билан табрик матни бошланади.

- Бу муборак ойда Аллоҳ таолога тоат ва қурбат ҳосил қилиш, ёмон одатлардан халос бўлиш, эзгулик ва гўзал одоб-ахлоқ билан зийнатланиш орқали ундан тўла баҳраманд бўлишни насиб этишини Аллоҳ таолодан сўрайман”, - дейилади қутлов якунида.